



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 26 июнь, чоршанба • №50 (11.438) • Эркин нарҳда сотилади

Бугун — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини "Янги аср сари соғлом насл билан"

Миллий матбуот марказида ана шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган анжуманда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бугунги кунда ер юзиде минглаб инсонлар гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларидан азият чекмоқда.

Бундай салбий иллатга ружу қўйган одам нафақат ўзига, балки яқинларига ҳам ташвиш келтиради, хали оқорани таниб улгурмаган кўплаб ёшларнинг ушбу йўлга киришига сабаб бўлади. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, гиёҳвандлик ва ОИТС каби салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган шаҳар нарқология диспансерида маслаҳатхона ташкил этилган. Шунингдек, шаҳримиздаги ҳар бир туман марказий поликлиникаларида нарқолог шифокорлар иш олиб бормоқда. Улар, асосан, ўсмир ёшлар тарбияси билан шуғулланипти. Бундан ташқари, талай жамоат ташкилотлари билан биргаликда мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлири ҳамда турли меҳнат жамоаларида ташкил этилаётган давра сўхбатларида гиёҳванд моддалар истъмоли қилишнинг салбий ҳиҳатлари ҳақида маълумот берилмоқда. Анжуманда улғайиб келатган ёш авлодни ҳар томонлама етук, аждодлар аъёнларига садоқат руҳида тарбиялашда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги янада мустаҳкамлаш, бу борада, айниқса маҳалланинг ўрни ва ролини янада ошириш зарурлиги таъкидланди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.

МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ

Москвада МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари ўсмирлари халқаро спорт ўйинлари ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этиб, салмоқли натижаларни қўлга киритди.



Ўз сафида 79 нафар ёшли бирлаштираган жамоамиз спортнинг самбо, юнон-рум кураши, теннис, стол теннис, англик атлетика, қиличбозлик, шахмат, сузшиб, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика турлари бўйича беллашди. Москвадаги энг замонавий спорт майдонларида 9 кун давомиде мurosасиз баҳслар давом этди. Спорт ва дўстлик шiori остида ўтган қизгин беллашувларда вакиллари- миз 1та олтин (Озод Пардаев, самбо, 40 кг.), 1та кумуш (Светлана Радивил, баландлик сакраш, 180 см.), 1та бронза (Камол Аҳмадов, самбо, 51 кг.) медални қўлга киритди. Шунингдек, спортчиларимиз саккизта 4-ўрин, 14та 6-ўринни эгаллади. 40 нафар вакилимиз эса кучли ўиникдан жой олди. Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақаларида тобланаётган ёшларимиз халқаро турнирларда тобора юксак натижалар кўрсатишга қодирдир. Жумладан, Москвадаги мусобақаларда ҳам самбо, англик атлетика, шахмат, стол теннис беллашувларида ҳамюртларимиз ўзларини тобора ўсиб бораётган маҳоратларини намойиш эта олди. Теннис кортларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя этган Фаррух Дўстов, Илҳом Эшматов яқка баҳсларда юксак натижа кўрсата олган бўлсалар-да, жуфтлик баҳсларини мurosасиз ўтказди. 3-ўрин учун бўлган мусобақада украинлик тенгдошлари билан тенгма-тенг ўйнашди. Фақат омад бу сафар улардан юз ўинди. Стол теннисида қизларимиз

Мухаммад Амин, ЎзА махсус мухбири, Тошкент-Москва-Тошкент. СУРАТДА: юртимиз ёш спортчиларини Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти. Нўмон МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

Вилоятимиз галлакорлари бу йилги шартнома режасига мувофиқ давлатга 267 минг тонна дон етказиб беришлари керак. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига қараганда 127 минг гектар майдонда етиштирилган ҳосил шартномани анча ортиғи билан қоплайди. Илғор пудратчи, ижарачи ва фермерларнинг уйлари ҳам донга тўлади.

Бирок, асл галлакор даладаги ҳосилга маҳлий бўлиб қолмай, уни тезроқ ва нес-нобуд қилмай, саранжомлаб олиш чораларини кўради. Айни кунларда вилоятимизнинг барча туман ва ҳўжаликлариде катта меҳнат эвазига етиштирилган галлани уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўриб-янчиб олиш учун мавжуд куч ва имкониятларни тўла ишга солишга ҳаракат қилинмоқда.

Ўтган кунде вилоят галлазорларида 370 та дон комбайни, шу жумладан, 164 та «Кейс» юксак унум билан ишлатилди. Уларнинг кучи билан бир кунда 3159 гектар майдондаги дон ўриб-янчиб олинди. Комбайнларнинг иш унумини бутун чоралар билан оширишга ҳаракат қилинаётган Бўка, Бекобод, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида шу кунде 311-571 гектар ердаги ҳосил саранжомлаб олинди.

Кечаги кунгача вилоят бўйича тайёрланган дон 112 минг 593 тоннага етди. Бу режага нисбатан 42,2 фоизга тенг. Бу борада пешқадамлик қилаётган Бекобод, Қуйичирчиқ, Бўка, Оқўрғон туманларида шу кунгача режага нисбатан 58-76 фоиз микдорда дон тайёрлашга эришилди.

Назарали Ниёзов номли ширкат ҳўжалик галлакорлари давлатга дон топшириш шартнома режасини Янгийўл туманида биринчи бўлиб, вилоятда эса биринчи қатори ортини қўлга киритди. Бу — ширкат усулининг, оила пудратчининг шарофати.

ДАРҲАҚИҚАТ, меҳнатнинг пировард натижасидан моддий манфаат кўрган деҳқон экинни яшнатади, ҳосилни ундиради, беуни дўндиради. Буни

ҲАР КУН, ҲАР ДАҚИҚА ҚАДРИ



КОМБАЙНЛАР ТИНИМСИЗ ИШЛАЯПТИ

ЎРТАЧИРЧИҚ тумани галлазорларида ўрим-ийим ишлари оммавий тус олди. Кунига дала-ларга 50 тадан зиёд комбайн олиб чиқилмоқда. ТУМАН галла штаби ҳар бир комбайннинг юксак унум билан, бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида уларни гуруҳ ҳолида энг зарур участкаларга йўналтириш ва-зифасини ўз зиммасига олган. Автотранспорт воситаларининг ҳаракати ҳам шу тартибга бўйсундирилган. Шу боис ўрилаётган галла пешма-пеш қабул пунктлари- га етказиб берилмоқда. Акмал Икромов номли ширкат ҳўжалигида галла ўрими, айниқса, намунали ташкил этилган. Бу йил ҳўжалик шартнома бўйича давлатга 1300 тонна дон топшириши керак. Мутахассислар эса, 502 гектар майдонда 2500

тоннага яқин ҳосил борлигини тахмин қилмоқдалар. Пудратчилар билан эса, 41 центнер юзасидан шартнома тузилган. Ўрим-ийим жараёнида чек дафтарчаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир пудратчи ўзига тегишли майдондаги ҳосилни алоҳида ҳисоб-китоб қилиб, ана шу дафтарчасига қайд қилиб бормоқда. Бу эса, мавсум ниҳоясида ҳўжаликнинг молия-ҳисоб марказида умумий яқун чиқарилганда бир пудратчининг ҳақи иккинчисига ўтиб кетмаслигини кафолатлайди. СУРАТДА: (чапдан ўнға) бош ҳосилот Сафарали Сотиболдиев, пудратчи Устам Суттибоев, галла бўйича ҳосилот Умрзоқ Нуралиев навбатдаги майдонга комбайн тушириш олдидан ҳосил чўгини чамалаб кўрмоқдалар. Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

ОЛТМИШДАН ОШИРИШДИ

майдоннинг ярмиданок режани ортиғи билан қоплаётган микдорда дон ўриб-янчиб олинди. Ўртача ҳосилдорлик эса, 61 центнерданга тўғри келаяпти. Буни нафақат туман, вилоят бўйича энг юқори кўрсаткич дейиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, шартнома режаси бор-йўғи олти иш кунига уддаланди. Бунда комбайнчиларнинг хизмати катта бўлди. Улар ўрилган ҳар гектар галла учун оширилган нарҳда, яъни 600 сумдан ҳақ белгилангани боис сурьатга алоҳида эътибор қаратдилар. Ҳозирги кунда ҳам ҳўжаликнинг битта «Енисей» ва битта «Нива» комбайни юксак унум билан ишлаб турипти. Қолган 250 гектар майдондан чиқадиган бурғойнинг асосий қисми пудратчиларнинг ўзларига берилади. Ўз мухбиримиз.

27 июнь — Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини



Мустақил Юрт Матбуоти

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамоаси «Уш-Андижон-Тошкент-Нукус» автомобиль йўли қурилиши учун цементнинг сульфатга чидамли, тампонаж турини етказиб бериш бўйича катта микдордаги буюртмани бажаришга киришди. Цементнинг мазкур туридан мамлакатимиздаги нефть ва газ-конларини ўзлаштиришда ҳам фойдаланилмоқда. Шунингдек, бу ерда шифер, рангли шифер ҳамда асбоқувур ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Том ёпишда ишлатиладиган сопол черепица ҳам ўта харидорғир. Шу боис испаниялик ҳамкор билан биргаликда сопол черепица ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона барпо этилмоқда.

ҚОНУНЧИЛИК ВА ЕВРОПА МЕЪЁРЛАРИ

Халқаро бизнес-мажмуида ТАСИС лойиҳаси доирасида «Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга қўмаклашиш» мавзусида қонунчиликни мувофиқлаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Европа давлатлари ва мамлакатимизнинг турли вазирилик ва идораларининг экспертлари, парламент, илмий-тадқиқот институтлари, университетлар, банклар, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон қонунчилигини Европа меъёрларига мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар семинарнинг асосий мавзуси бўлди. Семинарнинг мақсади эса — қонунчиликни қийсий таҳлил этиш бўйича олинган маълумотларни муҳокама этиш, таклиф ва қўшимчалар киритиш, қонунчиликни мувофиқлаштириш ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни лойиҳа доирасида олиб берилаётган ишлар билан таништириш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқилган иборат. Таъкидлаш жоизки, материаллар ўзбекистонлик ва европаларнинг солиқ ва божхона ҳуқуқи, кооперация ҳуқуқи, рақобат, хоржий инвестициялар тўғрисида қонунчилик каби устувор йўналишлар бўйича қийсий таҳлиллар тақдим этилди. Назоқат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

УЗОҚ УМР ОМИЛЛАРИ

ДАСТУРХОН АТРОФИДА КЕКСА КОНЧИЛАР

ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАН ШИФОХОНА

БУГУНГИ СОНДА:

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА 2-бет

ЎЗИ ТЎҚНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ 3-бет

УМРИ БОҚИЙ ҲИҚМАТЛАР 4-бет

27 июнь — Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЯНГИЧА ФИКРЛАШ МИНБАРИ



Бугун ҳар қадамда, замондошларимизнинг юриш-туришлари ва ҳатти-ҳаракатларида янгича бир экин намоён. У ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларда ҳам тобора аққол кўринмоқда. Инчунун, миллий матбуотимизда ҳам.

Булар мамлакатда хилма-хил йўналишлардаги 600 дан зиёд вақтли нашр чоп этилаётгани, телевидение ва радиостудиялар тармоғи, унинг катта-кичик шаҳарлар, илм ва ишлаб чиқариш жамоаларини ҳам қамраб бораётганлигида, матбуот тизимида янги, ёш, билимли ва ўтли-шудли ижодкорлар кўпая бошлаганида намоён бўлаётгани.


мунча мукамал тизими шаклланди. Бугунги кунда «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарининг бирлашган таҳририяти ташкил этилганлиги вилоят бош нашрлари мазмун-маънавий дарижаси, моддий-техника таъминоти яхшиланиб боришига хизмат қилаётди. Шаҳар ва туман, кўп нусхали газеталари ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, маънавий ҳаётдаги янгилишни жараёни тобора чуқур ёритаётдилар. Баъзи шаҳар телестудияларининг кўрсатувлари оммабоп тус олиб, жойлардаги ўзгаришларнинг чинакам ифодачиси, янгича фикрлар минбарига айланиб бормоқда. Катта-кичик нашрларда ҳаётимиздаги жараёнлар тобора чуқур таҳлил этилган мақолалар, муаммоли чиқишлар кўпайётганлиги айниқса қувончли.

Лекин, Ўзбекистон Президентини матбуот, оммавий ахборот воситалари, ижодкорлар олдига қўяётган талаблари ниятда юқори. Тилимизда бот-бот айланиб турадиган «тўртинчи ҳокимият» тусунчаси эса, ҳали амалий жиҳатдан тўлиқ намоён бўлаётгани йўқ. Бунинг сабаблари кўп. Асосийси — ижодкорларимизнинг ҳуқуқий савияси бўлди. Вилоятимизда мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларининг бир-

Тўлқинларда — БЕВОСИТА ЭШИТТИРИШЛАР

Тонни эфир тўлқинларида янграётган қувноқ кўшиқлар, мустақил Ўзбекистон ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлар ҳақидаги хушxabарлар билан қаршилаш ҳар биримизга янги кайфият, куч-райрат беришилади.

Мана, ўн бир йилдики, «Тошкент» бош муҳарририяти ижодкорлари бевосита воқеа-ҳодисалар юз бераётган жойлардан эшиттиришлар олиб бориб, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаёт янгиликларини тингловчиларга тез ва мазмунли етказишга муваффақ бўлмоқдалар. Бунда тажрибали кекса журналист Асад Фозилов, катта муҳаррир Вячеслав Гребенюк, бўлим



СУРАТДА: Тошкент вилояти учун эшиттиришлар бош муҳарририятининг шахрдоловчиси Шоир Сиддиқхўжаев ва «Дўстлик» канали қозоқ тилидаги эшиттиришлар муҳарририяти мудири Саидмурод Ботиров.

Хотин-қизлар ва илм-фан тараққиёти



Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 минг нафарга яқин хотин-қиз илмий-тадқиқот ишлари билан фаол шуғулланмоқда. Улар орасида илмий муассаса ва ташкилотларга раҳбарлик қилаётган таниқли жамоат арбоблари ҳам бор.

Ана шундай олимпиада аёллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида Қариялар кадрлаш йилига бағишланган «Ўзбекистон илм-фанда хотин-қизлар» авлодлар вурсийлиги мавзусида ўтказилган учрашувда иштирок этди. Мазкур учрашув Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, «Олима» аёллар уюшмаси ва Германиянинг Фридрих Эберт номили жағмармаси томонидан ташкил этилди. Тадбир ушбу ташкилотларнинг амалдаги «Фуқаролар форуми» ҳамкорлигидаги лойиҳаси доирасида ўтказилди.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Илгари хабар қилинганидек, 2002 йилнинг 7 июль куни бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутатлари сайлови ўтказилди. 22 июнь куни вилоят сайлов комиссиясининг мажлисида мазкур округлар сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фаолияти таҳлил қилинди. Мажлисда, шунингдек, «Тоштелеком» очик ҳиссдорлик жамияти раиси А. Абдумўминовнинг сайлов комиссияларида алоқа воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ахбороти ҳам тингланди.



ТУМАН АҲЛИНИНГ ҲАМКОРИ

«Оҳангарон» газетаси ислохотларнинг боришини изчил ва ўқишли ёритиб бормоқда. Дастлаб бу газета «Қурама ҳақиқати» номи билан нашрдан чиққан эди. Кейинчалик «Оҳангарон ҳақиқати» ва «Машъал» номлари билан муштарийлар қўлига етиб борди. 1972 йилдан «Оҳангарон» номи билан чиқа бошлади.

Унинг саҳифаларида халқ дардига малҳам бўлувчи, унинг манфаатларини ҳимоя этувчи мақолалар чоп этилаётди. Газетамиз, — дейди бош муҳаррир Бахтигор Мадалиева, — илгаригидек фақатгина тарғибот воситаси бўлиб қолмай, балки Оҳангарон халқининг кўмакдоши, сирдош ҳамроҳи, ҳамдардига айланиб бормоқда. Энг асосийси у халқнинг чинакам минбарига айлангани бизни қувонтиради. Мустақиллик тўғрисида улар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини матбуотда эркин ифода этиш имкониятига эга бўлдилар.

Дарҳақиқат, ислохотлар ривожланиш палласига кирган бир пайтда ахборот тарқатишдан тортиб, жамиятда учраётган оғирлик нукталарининг бари матбуотда ўз аксини тоғмоғи лозим. «Оҳангарон» газетаси бу вазифаларни удраламоқда.

— Бугун газетамиз саҳифаларида ҳеч бир соҳа четда қолаётгани йўқ, — дейди масъул котиб Турсунали Жуманов. — Маънавият, маърифат, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа соҳаларда эришилаётган ютуқлар, камчиликлар, ундан ташқари халқимиз ижтимоий ҳаётида учраётган муаммолар, уларнинг ечими борасида доимий равишда туркум мақолалар бериб бормоқдамиз. Ана шундай ранг-баранглик ўқувчиларга маъқул бўлмоқда. Айниқса, бу йилнинг «Қа-

Тадбир «ОТАЛАР СЎЗИ...» МЕҲМОНДА

Ўзбекистон миллий матбуот куни арафасида вилоят ички ишлар бۆшқармаси жамоаси Ўзбекистон телевидениеси «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» туркум кўрсатувлари ижодкорлари билан учрашди.

Кўрсатув режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мираббос Мирзааҳмедов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Зухра Ашурова, Меҳри Бекжонаева, артист Санобар Қодировалар жамоат тартиби посбонларига «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувларини тайёрлаш жараёнлари, ўз икжодий режалари ҳақида сўзлаб беришди. Учрашув давомида айрим кўрсатувлардан парчалар намоиш этилди.

ҲАМИША ЭЛ ОРАСИДА

Ангрениклар шаҳар газеталарининг ҳар бир сонини интиқлик билан қўтишади. «Ангреник ҳақиқати» ва «Ангреникская правда» газеталари саҳифаларида вилоятимизнинг бу йирки саноат шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг долзарб масалалари изчил ёритилапти.

Машқура Зоҳидова, Татьяна Маврина, Гулижаҳон Жабборова, Наргиза Юсупова, Тамара Ли каби ижодкорлар ҳамиша меҳнат жамоаларида бўлиб, воқеа-ҳодисаларни тезкор ёритишга эришмоқдалар.

— Кенг жамоатчиликнинг иштироки газеталаримиз мазмунини бойитиб, мақолалар таъсирчанлигини оширмоқда, — дейди муҳаррир ўринбосари Мунаввара Исоқуллова. — Меҳнат фахрийлари Маждид Мелиев, Теша Шералиев, ўқувчи Акабой Дадабоев, шаҳар прокурори Аҳмадҷон Худойбергенов, милиция ходими Абдуқайом Қўшматовларнинг ҳар бир хат-хабарлари, мақолалари газеталаримиз ўқишли, мазмунли чиқишига ёрдам бермоқда. С.ЖУМАНИЁЗОВ.

Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутатлигига номзодларнинг РЎЙХАТИ

№	Сайлов округи номи	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Партияга мансублиги	Лавозими	Турар жойи	Депутатликка номзод этиб кўрсатган орган
1.	31-«Байтўргон»	1. Тошхўжаев Саидхўжа Шарифхўжаевич	1948 йил	Ўз ХДП	Қибрай тумани ҳокими	Қибрай тумани	Халқ депутатлари туман кенгаши
2.	35-«Оққўргон»	1. Нодиров Бекмуҳаммад Нуримаҳаматович 2. Сайдахмедов Сманали Мамараевич 3. Ҳакимжонов Раҳимжон	1969 йил 1951 йил 1941 йил	ФМДП партиясиз партиясиз	«Матбуот тарқатувчи» Оққўргон тармоқлараро шўба хўжалик жамияти бош директори Оққўргон туманидаги 31-мактаб директори Оққўргон туманидаги Охунбоев номи ширкат хўжалиги раиси	Оққўргон тумани Оққўргон тумани Оққўргон тумани	«Фидокорлар» МДП вилоят кенгаши Ўз ХДП вилоят кенгаши «Адолат» СДП вилоят Кенгаши
3.	36-«Озодлик»	1. Холтоев Туроп	1945 йил	партиясиз	Оҳангарон тумани ҳокими	Тошкент шаҳри	Халқ депутатлари туман кенгаши
4.	49-«Олмазор»	1. Мираҳмедов Усмон 2. Қосимов Рустам Солиевич	1949 йил 1963 йил	«Адолат» СДП Ўз ХДП	Чиноз туманидаги 27-мактаб директори «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси	Чиноз тумани Янгийўл тумани	«Адолат» СДП вилоят кенгаши Ўз ХДП вилоят Кенгаши

Вилоят сайлов комиссиясининг раиси С. ҚУРБОНҚУЛОВ. Вилоят сайлов комиссиясининг котиби Н. АКБАРОВА. 22 июнь, 2002 йил.

Атроф-муҳит муҳофазаси — эътиборда

Табиатни муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси Тошкент сув таъминоти, каналлация, гидротехник иншоотлар ва муҳандислик гидрогеологияси илмий-тадқиқот институтида Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қабул қилинган «Чиқиндилар тўғрисидаги Қонун белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш масалаларига бағишланган семинар-машғулот бўлиб ўтди.

— Мамлакатимизда ҳар йили минглаб тонна ишлаб чиқариш ва маиший чиқинди тўпланади, — дейди мазкур институт директори Р.Ҳабибов. — Махсус чиқинди сақлаш майдонларида хозирги кунда салкам икки миллиард тонна қаттиқ чиқинди йиғилиб қолган. Улар қишлоқ хўжалиги учун яроқли каттагина майдонни эгаллаган. Айни вақтда назорат қилинмайдиган, бетартиб чиқариб ташланаётган чиқиндилар ҳам экологик мувозанат бузилишига сабаб бўлмоқда.

«Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун ушбу йўналишдаги муносабатларни тартибга солиш, чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, айрим чиқиндилардан хўжалик фаолиятида оқилона фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳимият касб этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, юртимизнинг барча худудларида мавжуд чиқинди ташланган жойлар рўйхати ва экологик ҳолати аниқланди. Жаҳон банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки маблағлари асосида Тошкент шаҳар санитар-тозалаш тизимини такомиллаштириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Семинар иштирокчилари бу борада тараққий этган хорижий давлатларда эришилаётган ютуқлар ва қонунчилик асослари хусусида батафсил маълумотга эга бўлди. Улар Янгийўлдаги чиқиндини қайта ишлайдиган, бундай жойларни ободонлаштиришга иктисослашган «Авесто-Шамма» ва «Ўтир» хусусий корхоналари иш тажрибаси билан танишишди.

Асосий қонуниимизни ўрганамиз

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

56-модда. Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан белгиланади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»-ги ва «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятларининг кафолатлари тўғрисида»-ги қонунларда жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари, уларнинг мақсадлари, иш фаолиятининг шакллари ва тузилиш тартиби кўрсатилган.

Агар Ўзбекистон Республикасида тузилган жамоат бирлашмаси ўз низомига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва битта ёки ундан ортиқ хорижий мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатса, у халқро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади. Низомида белгиланган вазифаларига мувофиқ фаолиятни бугун республика ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари республика жамоат бирлашмалари қиради. Бунда сиёсий партия ёки қасаба уюшмасининг қамида 3 минг аъзоси бўлиши керак. Вилоят, шаҳар, туман, шаҳарча ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмалари қиради. Агар жамоат бирлашмаси ўз низомидаги белгиланган вазифаларга қараб қайси ҳудудда фаолият кўрсатса, ўша ҳудуд, яъни вилоят, шаҳар, туман, шаҳарча ва қишлоқ жамоат бирлашмалари ҳисобланади. Зарурат туғилганда вилоятлараро ва туманлараро жамоат бирлашмалари тузилиши мумкин. Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенг ҳуқуқларга эга бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ўз низомидаги белгиланган қўйилади. Уларга қўра жамоат бирлашмалари:

- 1) ўз фаолияти ва мақсадлари тўғрисидаги ахборотни эркин равишда тарқатади;
2) қонунга мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда иштирок қилади;
3) давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда қатнашади;
4) давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари номидан иш юритади ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Жамоат бирлашмалари фуқаровий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;
— фуқароларнинг фаолиги ва ташаб-

бускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок қилишини ривожлантириш;
— касб-кор ва ҳамкорлик манфаатларини қондириш;
— илмий-техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш;
— аҳолининг сийҳат-саломатлигини сақлаш ва хайрия фаолиятида иштирок қилиш;
— маданий-маърифий, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш;

— табиати, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш;
— ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;
— республикаларо ва халқро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;
— қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

— жамоат бирлашмалари аъзоларининг иқтидорлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик принциплари асосида тузилади ва ҳаракат қилади. Жамоат бирлашмалари 10 нафардан кам бўлмаган фуқаролар гуруҳи ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмалари сиёсий тизимга кириб, ўзига ҳок куйидаги ҳусусиятлар билан характерланади:
биринчидан, жамоат бирлашмалари ўзини ўзи бошқарувчи бирлашмалар бўлиб, эркин индивидуал ва жамоа аъзолари асосида тузилади;
иккинчидан, жамоат бирлашмалари аъзолари бирлашма мулкий асосларини яратишда аъзолик бадали тўлаш орқали иштирок этади;

— учинчидан, бирлашма иши бевосита ёки сайланган орган орқали бошқарилади.

Мазкур моддада белгиланган конституциявий қоидадан шу нарсга тушуналидики, агар халқро, давлатлараро жамоат бирлашмалари, (шу жумладан, оммавий ҳаракатлар), уларнинг тармоқ бўлиналари, филиаллари, шунингдек республика ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан, оммавий ҳаракатлари) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг маҳаллий идоралари томонидан ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Эргаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.



Қишлоқ ва ислоҳот

Бўстонлик туманида бу йил сабзавот экинлари майдони салкам икки баравар кенгайди. Бунинг сабаби саноатчилар билан деҳқонлар ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳар қачонгидан яхши йўлга қўйилганидир.

Деҳқонларнинг асосий шерикларидан бири — «Ғазалкент» очик акциядорлик фирмаси йил бошидан оқ сабзавоткорларни сифатли уруғлик билан таъминлашда кўмаклашди. Маъданли ўғит, ёнлиги-мойлаш материалари таъминотидаги муаммоларни ҳал этишда ҳам деҳқонларга ёрдам берилди. Айни чоғда, фирманинг саб-

«Ғазалкент» мавсумга шай

завот ва меваларни қайта ишлаш цехларида янги мавсумга тайёрларлик ишлари низоҳисига етказилмоқда. Цехлар тўла таъмирдан чиқарилди, консерва, мураббо ва шарбат тайёрлашда ишлатиладиган шакар, каустик сода, шиша идишлар керагича жамғариб қўйилди. — Мавсумда туман хўжалиқларидан 16 минг тонна сабзавот, уч минг тонна мева қабул қилиб олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди қорхонанинг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича раис ўринбосари Ойбек Саидғозиев. — Хўжалиқлар билан 312 миллион сўмлик сабзавот ва мева қабул қилиш юзасидан контрактация шартномаси имзолаганимиз. Оладиган маҳсулотимиз ҳақининг 30 фоизини олдиндан тўлаб қўйди.

— Фақат дўпписига қарздоримиз.
— Ҳечқиси йўқ, — деди раис ҳам ҳазил билан жавоб берди, — пахта режасини ҳам худо хоҳласа, туманда биринчи бўлиб бажарамиз, ўшанда дўппини жуфт қилишни унутмасангиз бўлгани.

ЎЗИ ТЎҶНИНГ КЎНГЛИ ТЎҶ

«ЎЗБЕКИСТОН» ширкат хўжалиги давлатга галла топшириш шартнома режасини Чиноз туманида биринчи бўлиб, вилоятда эса, пешқадамлар қаторида бажарди. Лекин, гап бунда эмас. Эътиборли томони шундаки, режа 4 кунда удаланди. Агар дастлабки уч кунда 300 тонна, яъни кунига ўртача 100 тоннадан галла ўриб-анчилган бўлса, тўртинчи кун қабул пунктига 290 тонна дон топширилди. Айтиш мумкинки, ҳали бирор деҳқон хўжалик галла ўришида бундай суръатга эришмаган.

Хикматилла Курамамов ўтган йилнинг ноябрида хўжалик бошқарувиغا раис этиб тайинланди. Бу пайтда 270 гектар майдонга сепилган галла уруғи тўлиқ унинг чиқиб, текис ва қалин кучат олинган. Шунинг назарда тутиб, раис бўлajak мўл ҳосилга аввалги раҳбарлар мустаҳкам замин яратиб қўйишганди, деган фикрни айтди. Лекин, бу фикрнинг замирида камтарлик, андиша аломатлари борлиги аниқ. Чунки, пойдевор қурилгани иморат битди, дегани эмас. Ҳали уни эплаб тиклаш керак. Бунинг учун ўқув,

ўғити вақтида етказиб берилди. Биринчи сув шарбат усулида оқизилди. Дарвоқе, бу йил қўлламада сув танқислигини енгиш учун шу пайтгача ҳеч қандай эсига келмаган иш қилинди. Хўжаликда қарийб 20 йил ишлаган соҳиб бош ҳосилотнинг маслаҳати билан 1,7 километр узунликда янги ариқ қазилди. Юзлаб одамлар манфаатдорлик билан иштирок этгани боис, шундай катта ариқ бор-йўғи икки кунда бунёдга келди. Галлақору пахтакорлар, ҳатто, ўғитиб хо-надонларнинг томорқа ерлари ҳам сувга ёлчиб қолди. Одамлар бир овоздан Қаримарик номини беришдан ушбу ариқ хўжаликда сув муаммосини тўғай қал эди. Хуллас, ўғити тўлалигича

табиий. — Пул топишни эмас, уни сарфлашни билган бойийди, деб бежиз айтилмаган, — дейди бошқарув раисининг муовини Абдуҳшом Дўстамбетов. — Узининг техникасига эга бўлган хўжалик иқтисодий жиҳатдан ютишини бу йилги мавсумда сивондан ўтказган раисимиз, техника базасини мустаҳкамлаш ҳаракатида тушиб қолди.

Тўғри, шундай қилган хўжалик, албатта, ютади. Масалан, «Кейс»-да ўрилган бир гектар учун хўжалик МПТга 41 минг сўм пул ўтказди. Айтилган, 270 гектарнинг 200 гектари «Кейс»-да ўрилса, бу хўжаликка 8,2 миллион сўмга тушади. Бошқа айрим сарф-ҳаражатларни ҳам қўшса, даромадининг анчагина қисми

бундан кўпроқ ҳосил тўқади. Оқибатда, хўжалик бўйича ҳосилдорлик 24 центнерданга тўғри келиб, давлатга дон топшириш шартнома режаси аранг қопланди. Деҳқонларнинг ўзларига эса, бир грамм ҳам дон қолмади. Бундай ахвол пудратчиларнинг кайфиятига таъсир этмай қолмайди. Бу йилги галла ҳосили юзасидан 42 нафар оилавий пудратчи билан шартнома тузиш чоғида одамларнинг ана шу кайфиятини эътиборга олиш, уларга қуруқ ваъда бермай, ҳар ойда моддий рағбатлантириб бориш зарур эди. Бундай имконият эса, ҳамма хўжа-



ликда топилади. Фақат, уни ишга сола билмиш керак.

Бошқарув раҳбарлари бунинг удрасидан чиқиди. Хар бир пудратчига ноябрдан бошлаб май ойигача галласининг ривожига қараб, тегишли микдорда пахта ёғи бериб борилди. Иккинчидан, режага қўшимча етиштирилган бугдойнинг 70 фоизини пудратчиларнинг ўзига бериш, қолган 30 фоизини келишилган нархда харид қилишга келишиб олинди. Пудратчиларга гектар ҳисобига 450-500 килограммдан аммофос

тадбиркорлик, пудратчиларни руҳлантира билмиш керак. — Энг муҳими — одамларимиз «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг талай йирик саноат қорхоналарида ушбу йўналишда самарали тадбиркорлик олиб бормоқда, — деди мазкур марказ директори ўринбосари А. Орифжонов. — Бу борада мураккаб технологик жараёнларни оптимал бошқариш усуллари ва тизимлари яратилди. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда Фарғона нефтини қайта ишлаш заводида катта микдорда ёқилғи сақланадиган омборхоналарда иш жараёни автоматлаштирилган назорат қилиш тизими асосида бошқарилмоқда.

Унда элчионалар, банклар, қончилик компаниялар, ишбилармон марказлар, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Махмуджон Аскарлов тақдирот иштирокчиларини қўлар экан, Олмалик қон-металлургия қўмитаси Ўзбекистонда рағли металлургия ишлаб чиқариш бўйича етакчи, дунёда қазилма хомаш-ёларини қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш бўйича йирик мажмуалардан бири эканигини қайд этди.

Фақат, уни ишга сола билмиш керак. Бошқарув раҳбарлари бунинг удрасидан чиқиди. Хар бир пудратчига ноябрдан бошлаб май ойигача галласининг ривожига қараб, тегишли микдорда пахта ёғи бериб борилди. Иккинчидан, режага қўшимча етиштирилган бугдойнинг 70 фоизини пудратчиларнинг ўзига бериш, қолган 30 фоизини келишилган нархда харид қилишга келишиб олинди. Пудратчиларга гектар ҳисобига 450-500 килограммдан аммофос

йўқотилади. Раиснинг фикри бўйича эса, агар хўжалик ўзининг учта «Енисей»-га эга бўлса, галлани тўрт кун бўлмаса, ўн кунда ўриб-янчиб олаверади, бир сўм ҳам четга чиқмайди. Ҳозир хўжаликда битта «Енисей» бор. Х. Курамамов у ёқ-бу ёқдан яна иккита «Енисей» дараклапти. Унинг фикрича, янги бўлиши шарт эмас. Чунки, бу хил қонбайлар инжиқ эмас, эҳтиёт қисмлари ҳам сөрөб.

Давлатга 590 тонна дон топширилган бўлса, хўжалик аъзоларининг ўзларига ҳам 500 тоннадан зиёд бугдой қолди. Туман ҳокими Уткир Абдурахимов хўжалик эришган ютуқни муносиб тақдирлаш мақсадида тегишли ташкилотлар ҳамда хўжалик раҳбарларини галла штабига тақлиф этиб, ҳаммининг олдида Хикматилла Курамамовга тўн

Шундай қилиб, 540 гектар майдондаги гўза бир текис ривожланиб, дуркун ўсмоқда. Олди майдонларда гўза гул кўрсатди. Бу эса, эртани ва мўл ҳосилнинг биринчи даракисидир. Ибтидоис ҳайрли бошланган ишнинг интиҳоси ҳам бохайр бўлиши шубҳасиздир.

Абдусаммад ЙЎЛДШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: бошқарув раиси Хикматилла Курамамов фермер Рустам Холиқов ва пудратчи Зафар Усенов билан ҳосил чўлини чамалаб кўрмоқда; бош пудратчи Шарофиддин Тешабоев даласида гўза, айниқса, дуркун ривожланмоқда. Саифиддин ИСКАНДАРОВ олган суратлар.

Эртага — халқро балиқчилар кун

«ДАМАЧИ»НИНГ ЛУҚМАИ ҲАЛОЛИ



Бундан 56 йил муқаддам Зангиота тумани ҳудудидан оқиб ўтадиган Ачисой қишлоқларининг сув босган ўлоқларидан республикада биринчи балиқ етиштирувчи хўжалик қурилиши учун озгина ер ажратилган эди.

Республиканинг қалдирғоч балиқчиларидан бири «Дамачи» хўжалигини узок йиллар бошқарган марҳум Қодир Шарипов бошлиқ тўқиз азамат Дамачи ботқоқликларидан ишни бошлаб юборди. Улар қадам босиб бўлмайдиган ерни минг машаққат билан одам қилишди. 1946 йили ушган кичик жамоа биринчи ҳосилни кўтарди. Албатта, кўп эмас — гектаридан 20 килограммдан, жами 1210 килограмм балиқ олинди. Аммо бу кўрсаткич ўша пайт учун катта гап эди.

Меҳнатсевар кишилар сай-ҳаракати тўғрисида ботқоқ ерлар серхосил ҳавзага айланди. Аввалига зарга балиқлар боқилди, дўнг пашона, кейинроқ эса, Хитойдан келтирилган оқ Амур балиғи кўпайтирилади бошланди. Хуллас, ана шундай ташаббуҳ ва ботқоқлик ерларни ўзлаштириш пировад натижада Ўзбекистонда хўжаликнинг янги пистонда хўжаликнинг янги ва муҳим соҳаси — ҳавза балиқчилиги ҳудудга келишига туртки бўлди. Ана шу жараёнда «Балиқчи» деган шарафли касб пайдо бўлди. Бу соҳа кишилари оддий балиқ тутувчи бўлиб қолмай, эндиликда балиқ етиштирувчи омилкорларга айландилар. Балиқ етиштириш — узок ва машаққатли жараён. Бу иш катта ўқув ва тажрибани талаб қилади, — дейди «Дамачи» хиссадорлик жамияти раиси Баҳодир Те-

шабоев. — Гидротехника ва биологиядан хабардор бўлиш, балиқларга тушадиган касалликларни ўз вақтида илғай олиш керак. Бу касб эгалари ихтисос сирларини фақат илмий адабиётлардангина эмас, балиқчи соҳада ўқиб ишлаган кекса, тажрибали балиқчилардан ҳам ўрганиб борадилар.

1994 йил дамачилиқлар ўз қўмиталарини ҳақиқий хўжайинига айландилар: соҳада биринчилардан бўлиб, хўжаликни хусусийлаштириб, мулкчиликнинг янги шаклига ўтдилар — очик турдаги хиссадорлик жамияти тузилди.

— Утган йили 198 гектар ҳавзадан 310 тонна балиқ етиштириб, 14 миллион 446 минг сўм соф фойда билан чиқилди. — дейди бош балиқчинос Абдуғани Тўрақуллов. — Бу йил ҳам режамиз катта. Балиқ турини кўпайтириб, аҳолига 350 тонна балиқ етказиб бериш. Хўжалик ҳудудида бола-ча болгачиси, бошланғич мактаб, чойхона ва ошоналар ишлаб турипти. Қишлоқдаги барча хондонлар газлаштирилган. Балиқчи халқимиз «Луқмаи ҳалол» деб айтади. Дарҳақиқат, балиқдан тайёрланган таомлар ҳаммиса дастурхонимиз кўрки бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ўз касбига меҳр қўйган дамачилиқлар аҳолини тансиқ таом билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида куч-ғайратларини аямаяптилар. Хасанбой САБДУЛЛАЕВ.

Ишлаб чиқариш ва ахборот тизими

Фанлар академиясининг Замонавий инфор- мацион технологиялар илмий-тадқиқот марказида халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнини уз- лүксиз назорат қилишнинг ахборот тизими яратилмоқда.

Олинган натижалар нефтьга ва тоғ-қон саноати, энергетика, темир йўл транспорти, соғлиқни сақлаш, қурилиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида татбиқ этилаётди. — Кейинги йилларда олимларимиз «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг талай йирик саноат қорхоналарида ушбу йўналишда самарали тадқиқотлар олиб бормоқда, — деди мазкур марказ директори ўринбосари А. Орифжонов. — Бу борада мураккаб технологик жараёнларни оптимал бошқариш усуллари ва тизимлари яратилди. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда Фарғона нефтини қайта ишлаш заводида катта микдорда ёқилғи сақланадиган омборхоналарда иш жараёни автоматлаштирилган назорат қилиш тизими асосида бошқарилмоқда.

У.З.А.

КОРХОНА САРМОЯДОРЛАРНИ КЎТМОҚДА

Олмалик қон-металлургия қўмитасида мазкур қорхонанинг хорижий сармойдорлар учун тақдироти бўлиб ўтди.

Унда элчионалар, банклар, қончилик компаниялар, ишбилармон марказлар, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкчини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси ўринбосари Махмуджон Аскарлов тақдирот иштирокчиларини қўлар экан, Олмалик қон-металлургия қўмитаси Ўзбекистонда рағли металлургия ишлаб чиқариш бўйича етакчи, дунёда қазилма хомаш-ёларини қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш бўйича йирик мажмуалардан бири эканигини қайд этди.



Ж. РАУЛОВ, У.З.А. мухбири.

ХАЛҚРО ЎҚУВ-СЕМИНАР

Республика бозор қўниқларини ривожлантириш марказида Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан ташкил этилган «Ўтиш даври иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес» мавзусида ўн кунлик халқро ўқув-семинар бошланди.

Машгулотларга Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Италиянинг Болонья университети олимлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакиллари жалб этилган. Иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга бутун дунёда эътибор кучайиб бормоқда. Шу боис кичик ва ўрта бизнесга онд энг долзарб муаммоларнинг халқро ҳамкорлик асосида ҳал этиш муҳим аҳамият касб этаптир. Ев-

ропа Иттифоқининг «ТАСИС-ТЕМ- ПУС» дастури доирасида ташкил этилган мазкур семинарда, асосан, кичик ва ўрта бизнесни янада таррақий эттириш йўлида юзга келаятган муаммоларнинг ечимини топишга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқув дастури доирасида кичик ва ўрта бизнеснинг асосий тамойиллари борасида махсус лекциялар тингланади. Норгул АБДУРАИМОВА, У.З.А. мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

СЕРГЕЛИ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

Билим юртимиз қуйидаги йўналишларда мутахассислар тайёрлайди:

- 1. «Даволаш иши» 9-синф ҳажмида грант бўйича ва 11-синф ҳажмида контракт асосида.
2. «Ҳамширалик иши» 9-синф ҳажмида грант бўйича.
3. «Тиббий профилактика» 9-синф ҳажмида грант бўйича ва 11-синф ҳажмида контракт асосида.
Ўқиш муддати: 11-синф ҳажмида 2 йил 6 ой, 9-синф ҳажмида 3 йил.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳар Сергели тумани Қўйил-5 мавзеси (мўлжал 50-шаҳар поликлиникаси, 252-мактаб биносиди).



